

Ҳаж зиёратига аёллар бориши мумкин



10:30 / 19.06.2021 2287

Бу йил қироллик маъмурлари фақат 60 мингга яқин зиёратчиларни Маккага қабул қиладилар. Бу сафар Ҳаж ибодатини адо этмаганларга имтиёз берилади, дея хабар беради SputnikNews.

Саудия Арабистони бу йил зиёратчи аёлларга ўзлари, ҳамроҳларсиз, Ҳаж зиёратига боришга рухсат берди ва жами 60 минг зиёратчи бўлиши режалаштирилган.

Мамлакат расмийлари аёлларга маҳрамларисиз Ҳаж зиёратига имкон берадиган қоидаларни янгиллаган. Шунингдек, Саудия Арабистони вазирлиги бу йил зиёратга боришни истаганларни рўйхатдан ўтиш саналарини эълон қилган. Рўйхатдан ўтиш икки босқичда амалга оширилади: 13 дан 23 июнгача ва 25 июндан.

Ариза берувчиларга рухсат олиш учун қўйиладиган талаблар орасида сўнгги беш йил ичида Макка зиёратига бормаганликлари кўрсатилган бўлиши керак. Чунки Ҳаж зиёратига бормаганлар учун имтиёз берилиши кўрсатилган.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ мамлакат расмийлари бу йил пандемия ҳолати туфайли мамлакатнинг атиги 60 минг фуқароси Ҳаж зиёратини адо эта олишини айтган эди.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси